

Ўзбекистон — Германия: дўстлик алоқалари мустақкамланмоқда

• Расмий ташир арасида

КАРП ХАЙНЦ КУНА:

Ишончли шерик бўлмоқчимиз

Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-13 апрель кунлари Германия Федератив Республикаси федерал Президенти Роман Герцог Ўзбекистонга расмий ташир буюрди. Ўзбекистон ва Германия муносабатларидаги ушбу муҳим сиёсий воқеа арасида УЗА мухбири ГФРнинг мамлакатимиздаги фақулдада ва мухтор элчиси Карл Хайнц КУНА жаноблари билан суҳбатлади.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар ривожини қандай баҳолайсиз?

— Икки йил муқаддам апрель ойида Ўзбекистон Президенти Исом Каримов Германияга расмий сафар қилган эди. Ана шу ташир чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Готт дүтона вазиетда ўтган музокара-лар низоида имзоланган ҳужжатлар савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожини учун кенг имкониятлар очмоқда. Сафар чоғида Президент Исом Каримов германиялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётига сармоа киритишга даъват этган эди. Бу-гунги кунда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган Гер-мания фирма ва компаниялари сафи кун сайин ортиб бормоқда.

Германия Марказий Осиёда муҳим жўғрофий-сиёсий ўрин эгаллаган Ўзбекистон билан ўз-ўз муқаддат ва ишончли ҳамкорлик ўрнатиш ниятида. Биз ўзаро ишончли амалий ишлар билан мустақкамлаш тарафдоримиз. Ҳамкорлигимизнинг дастлабки натижалари ўзаро алоқаларимизнинг истикболли эканидан дарак бермоқда.

— Алоқаларимиз мустақкам-ланишига икки мамлакат ишбилармонлари қандай ҳисса қўшаётди?

— Иқтисодий ҳамкорлик

ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим соҳаларидандир. Алоқаларини мустақкамлашда ишбилармонлар катта ҳисса қўшаётганини татқиқлаш жоиз. Хоразмда «Мерседес-Бенц» компанияси билан юк та-шувчи автомобиллар ишлаб чиқарилаётгани, «Алкател», «Сименс» каби фирмаларнинг Ўзбекистон энергетика, алоқа тармоқларини замон талаблари даражасига кўтариш йўлидаги ишлари шулар жумласидандир.

1994 йилда «Германия — Ўзбекистон» жамиятининг таъсис этилгани мамлакатларимиз жамоатчилиги ўртасида алоқаларини мустақкамлашига омил бўлмоқда. У сафларида сиёсатчиларни, ишбилармонларни, жамоатчилик вакиллари, фан ва маданият арбобларини бириктирган бу жамият Ўзбекистонга амалий ёрдам кўрсатаётди. Жумладан, бу ташкилот Ўзбекистонга 5 миллион марка миқдорда дўри-дармон йўлида. Шу ўринда К. Аленауэр жамгармисининг амалга ошираётган ишларини ҳам таъкидлаш жоиз. Жамгарма ташкил этаётган семинарлар, конференциялар бошқарув ва фан соҳасида хизмат қилаётган мутахассислар учун готт фойдали бўлади.

Иқтисодий алоқаларимиз янада раванк топшишига шубҳа йўқ, Германия федерал Президенти жаноб Роман Герцогга мамлакатимиз ишбилармонларининг катта гуруҳи ҳамроҳлик қилиши ҳам бежиз эмас.


• Биз ва жаҳон

Германия Федератив Республикаси жўғрофий ўрнига кўра, Европанинг марказида жойлашган бўлиб, мамлакат шимолда Дания, ғарбда Голландия, Бельгия, Люксембург, Франция, жанубда Швейцария ва Австрия, шарқда эса Чехия Республикаси ҳамда Польша билан чегарадошир. Аншқроқ айтаоқим бўлсак, бундай жўғрофий қўлайлик 1990 йили Федератив Германия ва собиқ ГДРнинг бири-лиши туғайли вужудга келди.

Мамлакатнинг умумий ер майдони 357 минг квадрат километр бўлиб, аҳолиси қарий 80 миллион кишини ташкил этади. Бу жиҳатдан Германия Европада Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳар бир квадрат чакримида 224 киши туғри келади. Шунинг учун ҳам мамлакат қитъада аҳолиси энг зич жойлашган давлатлардан саналади.

Германиянинг ҳозирги таркибий тузилмаси ҳақида гапир-гадил бўлсак, мамлакат ўн олти мустақил федерал ҳудудлардан ташкил топганлир. Шулардан белшаси тўқсонинчи йилги бириктирилган сўб собиқ ГДР негизда вужудга келди. Биз юқорида мустақил ҳудудлар, дея бежиз таъкидламадик. Чунки уларнинг барчаси мустақил давлат ҳокимиятига эга бўлиб, ўз конституциялари, герби ва парламентига эга. 1949 йил 23 майда қабул қилинган Германия Федератив Республикасининг Конституцияси бутун мамлакатда устивор қонун саналиб, федерал ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ва фаолиятлари ана шунга мослаштирилган.

Мамлакатда бир қанча партиялар ва сиёсий гуруҳлар фаолият кўрсатади. 1990 йилги Умумгермания сайловларидан сўнг олти сиёсий партия ва гуруҳ вакиллари Бундестагдан ўрин олишди. Христиан Демократик Иттифоқи (ХДИ) энг кўп — 36,7 фоиз овоз билан сайлов-ларда голиб чиқди. Айни чоғда мазкур партияга мансуб бўлган 268 нафар депутат мамлакат парламентида фаолият кўрсатаётди. 33,5 фоиз овоз билан мавкей жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаган Германия Социал-демократик партияси (ГСПД) Бундестагга 239 та депутат ўрнига эга. Лекин мазкур сиёсий партиялар парламентда тутган мавкей, нуфузидан қатъий назар, бир-бирига ўзаро ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлишади.



Иккинчи жаҳон урушидан сўнг сўний рившида бўлиб ташланган немис халқининг азалий бирлиги 1990 йил 3 октябрда қайта тикланди. Муҳими, ушбу улкан сиёсий таъбир тинч музокара-лар йўли билан амалга оширилди.

Бугунги кунда Германия мустақил демократик давлатлар ўртасида Европа Ҳамжамияти (ЕХ) ва Атлантика Иттифоқи (НАТО) да фаол иштирок этмоқда. Мамлакат ташқи сиёсатда Европа бириктирилган жаҳоннинг да-вом эттириш, Марказий ва Шарқий Европада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожланиётган давлатлар билан кенг ҳамкорлик қилишга интиломоқда.

Германия Федератив Республикаси ташкил топган кунидан кўнра қитъа бирлигининг тарафдорли бўлган давлатлар ўртасида асосий ҳаракатда келтирувчи куч вазифини ўсти келмоқда. Ми-сол учун, ушбу мамлакат 1952 йили Бельгия, Франция, Италия, Люксембург ва Голландия билан бириктирилган Европа кўнра ва пўлат бирлиги (ЕОУК) асос солди. 1957 йили ана унинг ташаббуси билан Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕЭС) ҳамда атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (ЕВРАТОМ) ташкил этилган бўлса, орадан ўн

КАМОЛ ТОПАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Йил ўтгач, яна бир қудратли халқ-қаро ташкилот — Европа Ҳам-

фаа ва музокараларга тайёр туриш вазифини ўз ичига олган бир бутун концепцияни амалга оширди...

Ривожланиётган давлатлар билан алоқалар Германия Федератив Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим таркибий қисми саналади. У, бундай мамлакатлар билан ҳамкорлик биринчи навбатда уларнинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил равишда тараққий этишларида қўмақлашишга асосланмоқ керак, деб ҳисоб-лайди. Қашшоқлик, аҳолининг юксак суръатлар билан ўсиши, хасталиклар, нарқобизнести қарши курашишни умумий масала, дея ҳисоблайди. Ана шулардан

йилдан буйён ГФР юксак даражада тараққий этган еттига ГАРБ давлатлари гуруҳи (Қатта етти-лик) ишла иштирок этиб, ҳар йили «Юқори доирадаги учра-шувлар»да ўзининг иқтисодий ва молиявий сиёсатини муво-фиқлаштириб бормоқда.

1992 йили мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми (яниги ташкил этилган федерал ҳудудларни ҳисобга олганда) рекорд кўрсаткич — 2,775 миллиард немис маркаси-ни ташкил этди. Статистика маълумотларига қараганда, бу аҳоли жон бошига 42,900 мар-кадан тўғри келар экан. Гер-манияда социят маҳсулотлар ҳаж-ми кейинги 25 йил давомида икки баробар, 40 йил бурғун-дан эса беш баробар ортди. Жа-ми маҳсулотларнинг умумий ба-ҳоси 1950 йили 415,5 миллиард немис маркасини ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб, бу кўр-саткич 2,246,3 миллиард мар-кага етди.

1993 йили Президент Исом Каримовнинг ушбу мамлакатга қилган расмий ташири чоғида иккала давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг тама-тоши кўйилди. Эңлиликда ўз-бек-немис иқтисодий ва мада-ний ҳамкорликлари яниги бо-сқичга қўтариляпти. Хусусан, ик-ки томонлама иқтисодий муно-сабатларнинг раванк топаётган-лигини Хоразмда Германияни-нг машҳур «Мерседес-Бенц» компанияси билан бириктирил-ган автомобил заводи куриляётган-лиги, «Сименс» фирмаси билан ҳамкорликда республикамизда кура-тилати телекоммуникация тар-моғини вужудга келтириш бо-расидаги сайб-ҳаракатлар мисо-ли ҳам куриш мумкин.

Германия Федератив Респу-бликаси Президентининг респу-бликамизга ташири ўзаро ҳам-корликлар тараққийетида янада яниги қўраларни кашф этиши, шубҳасиз.

Гафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

жамияти (ЕС) вужудга келди.

Шу ўринда Германиянинг НАТОда тутган ўрни ва мавкей хусусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлир. Чунки ГФР мазкур ҳарбий блокнинг асосий кўнра-лидан бири саналади. Германия унга 1955 йили аъзо бўлиб кир-ган эди. Жаҳоннинг икки хил сиёсий тизимга ажратиб қўйил-ганлиги сабабли, кўпгина муста-қил демократик давлатларнинг тинч турмуши НАТОнинг му-лофаа тўғрисидаги ва қудрати-га боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам мазкур ҳарбий тузилма собиқ Варшава Шартномаси давлатла-ри билан муносабатда 1967 йил-ги қабул қилинган Хармел ҳи-соби буйича ишончли мудо-

қилиб чиққан ҳолда Германия ривожланиётган давлатлар билан бўлган муносабатда асосий эти-борини ўша мамлакатларда қаш-шоқликка қарши кураш, табиат муҳофазаси ҳамда унинг бойлик-ларини асраш, маориф ва таълимни тараққий этириш ка-би йўналишларга қаратмоқда.

Ривожланиётган давлатларнинг Германия билан ўзаро ҳам-корликдан манфаатдор эканлик-лари табиий ҳол. Чунки у жа-ҳондаги етакчи индустриал дав-латлардан бирир. Германия иқтисодиётининг умумий ҳаж-ми жиҳатидан дунёда учинчи ўринда туради. Жаҳон бозори-даги савдо-сотик борасида эса иккинчи ўринни эгалтайди. 1975

• Ислохот одимлари

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ГУША...

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводида куриши ишлари жадвал давом этмоқда.

Малумки, шу чоққача мазкур куриши майдонида ўзлаштирилган ерлардан ҳосил олиш у ёқда тур-син, ҳатто завоёт атро-фини қўқаламзорлашти-ришга ҳам имкон йўқ эди. Чунки уларнинг олдига сув муаммоси турарди.

Излаган имкон топар экан. Курувчилар жамоа-си ушбу маскангача бўл-ган 6 километрик масо-фага лоток ариғи ётқи-зиб, сув олиб келди. Энди мазкур ҳудудда қад рост-лаётган янги уй-жойлар-даги томорқалар, 30 гек-тарлик экин майдони оби ҳаётдан белмола фойда-ланидан бўлди. Истиқ-боли порлоқ бу гўшадан 1800 тонн мевали ва ман-зарали кўчатлар ҳам ўт-қазилди. Завод курувчилари экин майдонларини кен-гайтириш режаларини тузмоқдалар.

Маннон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Кўмир саноати: кеча ва бугун

Ўзбекистонда кўмир қазиб чиқариш ишлари қай аҳо-лда? Кўмирнинг қандай навлари мавжуд? Бу соҳада ҳал этилиши зарур бўлган қандай муаммолар бор?

Аваллабор, кўмир навлари хақида бир-ички оғиз. Ўзбекистонда унинг уч хили мавжуд: тош кўмир, кўнра ва писта кўмир.

Писта кўмир олиниётган техно-логияси бироз мураккаброқ бўл-гани сабабли, у ҳозир жуда кам миқдорда ишлаб чиқарилади. Шун-дан бўлса-да, газетхонларга шун-и эслаб қўймоқчимиз: писта кўмир асосан ўтиндан олинадди. Утин ха-воис муҳитда эки бироз ҳаво юбо-рилиб, 300-600 даража иссиқлик-да қиздирилиб, маҳсулот ҳосил бў-лади.

Тош кўмир асосан Сурхондарё-нинг Шарғун қониндан қазиб чиқа-рилади. Бу ерда йилда 200 минг тонна ёқилги тайёрланмоқда. Са-ноат захираси — 15 миллиард тон-на. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу қонинг қувватини 2-3 на-ротаба оқидири имкониятлари бор. Шарғунда кўмир брикет усули-да ишлаб чиқарилади. Брикет ни-ма дегани? У — французча қалима бўлиб, «ичи» деган маънони бил-диради. Яниги майда катерилар, масалан, руда, ёқилги ва металл чиқиндилари прелессанга, брикет шаклига келтирилади. Бу усул на-фақат кўмир саноатида, балки ме-таллургияда ҳам кенг ишлатила-ди.

Тош кўмир, шунингдек, Бойсу-қонда ҳам бор. У ерда ер ости шахтаси эндигина бунёд этила-тир. Саноят захираси — 14 мил-лион тонна. Аслида бу кўрсаткич 50 миллион тонна бўлиши мумкин, деган тахминлар мавжуд. Шу боис ҳозир қидирув ишлари олиб бо-рилмақда.

«ВИНКЛЕР» КАСБИДА

Касби тумани маркази аҳолиси яқин вақт ичида «Иссиққон» корхонаси маҳсулотларидан баҳраманд бўла бошлайдилар. Чунки бу ерда кунига 2,5 тонна нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган Германиянинг «Винклер» фирмаси усқунларни ўрнатилди.

Корхонада 20 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имкониятлар бор.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иккинчи корхона — 9-шахта. Са-ноат захираси — 35 миллион тон-на. Бу ерда бир йилда 0,5 миллион тонна кўмир ер остидан қазиб чи-қарилмақда. Истиқболда ана шу кўрсаткич 1 миллион тоннага еткази-лади.

Учинчиси, «Ер ости газ» стан-дисирид. Номидан ҳам аниқлаш-тирибдики, бу бекатда ер тубида-ги кўмир газга айлантирилади. Са-

ЕР ҚАРИДАГИ БОЙЛИК МУСТАҚИЛЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Унинг биринчи навбати ишга ту-ширилса, йилга 100 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади. Келгуси-да эса бу миқдор 500 минг тоннага етказилади.

Энди ҳаммага маълум ва маш-ҳур кўнра кўмир ҳақида тўхта-лар. Бу ерда атайиб «Ичибоши» ва-зиетда 162 миллион тонна ха-жмада кўмирни газга айлантириш мўлжалланмоқда.

Туртинчи корхона «Апартак» деб аталади. Бу ерда саноят захираси — 248 миллион тонна бўлган раз-резни ишга тушириш кўзда тутил-ган. Ҳозирча йилга 0,5 миллион тонна кўмир очки сулда қазиб олиномақда. Куриши ишлари ту-диланган, ана шу кўрсаткич 1,5 миллион тоннага ташкил этади.

Собиқ СССР даврида Ўзбеки-стон кўмир саноати Москвага бўй-су-ларда ва «Ута Осн» кўнра қазиб чиқариш бириктирилган деб ата-ларди. Республика истиқлолга эриш-ган, «Кўмир» акционерлик бириш-маси тузилди. Кўнрачилар шук-ки, хиссодорлар қисқа вақт ичида аҳо-лининг кўнрага бўлган аҳтиёжини асосан қондиришга эришди.

Кўнрачилар яқин билса керак, Тошкентнинг Хадра майдонида ш

номдаги меймонхона бор. Биз ҳи-қо қилаётган «Кўмир» акционер-лик бириктирилган шу меймонхона қаршидаги беш қаватли сало-батли бинода жойлашган. Унга тех-ника фанлари доктори Анатолий Лелейко раҳбарлик қилади. Дар-воке, унинг докторлик диссерта-цияси мавзуи «Ута Осннинг кийин бўлган тоғ-геология шарт-шароитларида шахталарнинг иш-

корхоналар учта: Тошкент, Самар-қанд ва Кувасойда жойлашган. Улар қалинини Украинадан келти-ришар экан. Бундан бўлса, у тоғ-тоғ бўлиб уйлиб ётибди. Нонга ўз хо-машемиздан фойдаланмаймиз?

Биз мутахассислар билан бир-галикда бу ҳақдаги ҳисоб-китоб-ларни ишлаб чиққан, Ангрн ша-рида қалин бойитиш фабрикаси-ни куриш ҳақида бир фикрга кел-дик. Буннинг ахборотимиз асоси-да Вазирлар Маҳкамасининг 553-қарори (1994 йил 15 ноябрь) эълон қилинди. Бу ҳужжатда республи-канинг экспорт қувватини ошириш ҳамда Ангрн қалинлари базаси-да олий навли халқ истеъмоли мол-лари ва куриши материаллари ишлаб чиқариш мақсадида йилга 0,4 миллион тонна бойитилган қалин тайёрланадиган яниги фабрика курилиб, уни 1996 йилда ишга ту-шириш вазифини ўртага қўйилган-ди. Шу мақсадда бириктирилган Швейцариянинг «Мабетекс» фир-маси билан бўлмақ фабрикага ус-қун ва технология етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Шун ка-ча-қундузда ушбу ишнинг тик-лаш борасидаги ишлар жадвал олиб борилмақда.

Муаммоларимиздан яна бири, очкичасига айтадиган бўлсак, бу ишчи кучи етишмаётганлигидир. Биз йиғит-қизларни жон-жон деб ишга қабул қилаемиз. Иш ҳақи — юқори. Агар ешларнинг касб-кор-лари бўлмаса, ўқитамиз. Хунар-техника билим юртимиз бор. Мар-ҳамат, келишим. Республикаимиз кўнра саноатини янада ривожлан-тириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга озми-қўнми ўз хиссасини қўшишни истовчилар учун «Кўмир» акционерлик бириш-масининг эшикларини билашчи очик...

Мирвали МИРҲАНИ АЪЗАМ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини

АЁЛЛАР БОР ЖОЙДА...

Жийдақана — Уйчи туманида энг катта қишлоқ-лардан бири. Бу жойда 21 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Қишлоқ ҳудудида учта жа-моа хўжалиги, иккита йирик саноат корхонаси, қўнра аҳо-лига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохоба-лари ҳамда мактаб ва мактаб-гача тарбия муассасалари ма-вжуд. Буларнинг ҳаммасида қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қилишади. Қишлоқ аёллари нафақат меҳнатда, балки иж-тимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол иштирок этишади. Улар Жийдақана қишлоқ фуқаро-лар йиғини қўнрадаги хотин-қизлар кенгаши атрофига уюшган.

Кенгашга 14-ўрта мактаб ўқитувчиси Азизхон Ништо-нова раислик қилади. 5 нафар кенаш аъзоларининг ҳамма-си эл орасида обрў-этибор топаётган аёллар. Улар ҳаминча қишлоқ аёлларининг ташви-шу қувончларига шерик. Еш-ларга ўз ҳаётини тажрибалари-дан келиб чиқиб насихатлар қилади, маслаҳатлар беради. Қайнона-келин, ёш оилалар ўртасида суҳбатлар олиб бора-ди.

Қишлоқ фуқаролар йиғи-ни биносидан хотин-қизлар кенгаши учун ажратилган хо-на лойиҳо хотин-қизлар билан гавжум. Бу ерда келганлар ў-зларини қизиқтирган барча са-воалларга жавоб топадилар. Кенгашнинг «Садоқат» дево-рий газетаси мунтазам чиқиб туради. Унда қишлоқ ҳаётини-ги янгиликлар, хотин-қизлар-ни ўйлантираётган муаммолар, тўй-маъракалар ҳақидаги му-лоҳазали материалларга кенг ўрин берилган.

Кенгаш қўнрада ташкил этилган фольклор дастаси уну-тилиб бораётган халқ қўнра-лари, қуй ва лапарларини тик-лашга ва янгилари билан уйғунлаштириб боришга ало-ҳида эътибор беришади. Маз-кур даста санъаткорлари то-монидан тез-тез хайрия кон-цертлари уюштирилиб, ундан тушган маблағ кам таъминлан-ган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олишга сарф-ланади. Қишлоқ хотин-қизлар

кенгаши ташаббуси билан ҳафта давомида туман, вилоят мқсёсиде турли долзарб мавзуларда семинар-кенташлар ўтказилиб турилади. Жумла-дан, яқинда «Оила мустақил-лиги — жамиятимиз раванк-лиги» мавзусида семинар-кенташ бўлиб ўтди. Унда вилоят, ту-ман раҳбарлари, хотин-қиз-лар кенашлари раислари, ташкилотлар раҳбарлари кат-тирок эътибор. Семинар қат-нашчилари Жийдақана қиш-лоқ хотин-қизлар кенгаши фаолияти билан яқиндан та-нишди. Семинар якуни-да, одатлағилек, фольклор дастасининг концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, Халиловларнинг оилавий дастаси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиди. Нетақим, бу даста қишлоқда анча обрўли, оила эса ҳар томонлама иб-ратли, намунали ҳисоблана-ди. Унинг ҳар бир қизини йиғинларда, маъракаларда қизини қўнра олишади.

Шу кунги қишлоқ хотин-қизлари кенгаши ташаббуси билан бир ақойиб таъбир ў-қазилди. Қишлоқнинг ёш фу-қаролари Бахтиёр Жўраев ва Ёқутхон Боймирзаевага ни-қоқ тўғвончаси топширил-ди.

Қишлоқда бундай таъбир-лар, таъналар доним бир-би-рига улашиб кетади. Уларда албатта миллий қадриятлари-мизники тиклаш, ота-боболари-миздан қўнра келатган аъла-наларни қўнраш, ёшларни мустақил юртимизга муносиб содиқ фарзандлар қилиб тар-биялаш ҳақида суз боради.

Ҳа, аёллар бор жойда файз, кут-баракат бўлади. Агар улар турмушда, ишлаб чиқариш-да, ҳаётимизнинг турли жа-б-ҳаларида фаол иштирок этишса, турмушимиз янада фаровон, ҳаётимиз янада гу-зал бўлиши шубҳасиз.

Абдуқўнум МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Муҳаммадқон ҚОДИРОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИЛИШИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Давлат тили тўғрисидаги қонунни ҳаётга татбиқ қи-лиш, мактабларда ўзбек ти-ли ўқитишни яхшилаш бо-расида кейинги йилларда республикада катта ишлар қилинмоқда. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилари сайб-ҳаракат-и билан Самарқанд ва Қар-шида «Ўзбек тили таълими-

ни тақомиллаштиришнинг долзарб масалалари» ма-взуида илмий-услубий анжу-манлар ўтказилганлиги фикримиз далилидир. Ҳудди шундай илмий йи-гин яқинда Жиззахдаги А. Қодирий номи педагогика институтида ўтказилиши ре-жалаштирилди. — Анжуманда, асосан, Ўқувчиларнинг луғат бойлигини ошириш маса-лалари таҳлил этилди, — дейди ташкилий кўмита масъул котиби Ж. Лапасов. — Бугунгача республика-мизнинг турли вилоятлари-дан шу мавзудаги икки юзга яқин маъруза матнлари келиб тушди. — Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманидаги «Гил-ламон» жамоа хўжалиги деҳқонлари баҳори да-ла ишларини бошлаб юбордилар. Бу йил хўжалик деҳқонлари 160 гектар ерга «Паманган-77» урта толали, «Термиз-24» ингичка толали чиқат уруғи қаддишляпти. СУРАТДА: механизаторлар Аваз Жўраев, Холму-рад Қороев ва Худойқул Худойбердиев. И. ХҲҲАЕВ олган сурат (ЎЗА).

«МЕНИНГ ҲАММА ШЕЪРЛАРИМ ЮРАКДАН КЕЛАДИ»

(Зулфия ижодхонасига бир назар)

Севи — жозибата тўлган бир умр, У бахту аламда бирдйин масрур. У ҳижронда жумард, айриликда мард, Йиллар ўтганда ҳам поксиза, бегард.

Ж. БАЙРОН.



Кўпчилик Зулфия ижодхонасига бўлишни, у билан ҳаёт, турмуш, муҳаббат ҳақида суҳбатлашни хоҳлайди. Унинг ҳаёт тарзини, яшаш шароитини билишга қизиқсиз. Айниқса, шеърини қандай ёзишига, ижодининг табиитини тушунишга интилувчилар сон-саноксизлигига ишончим комил.

Шу боис Зулфиянинг ҳаёт, адабиёт, шеъринг ҳақидаги иқдорномаларига, адабий суҳбатларига таъниган ҳолда шоира ижоди табиитини баъзи қиырларини ўрганишни ва қизиқувчилар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Зулфиянинг эътирофича, «Шоирнинг юраги катта: у азоб ва қувончларни томчилаб йиғайди». Ана шундан туйғу, дара, гоё йиритиллаш бошлайди, сезгилар, фикрлар ҳис-ҳаяжон билан тўланади. Ва «бутун вужудини тугенга солиб «Бугун айтмасанг ҳалок қиламан!» деб ҳайқирганда, қалб «портлаганда» шеър тугилади. «Юракдан юракка бормоғи шарт» бўлган шеърни, шеърга синдирилган фикр ва ҳисларнинг мағзини чақич завқини уқотиб қийин кечинини доимо қайтага туккан шоира: «Шоирлик — касб эмас, Чинакам шоир «Мен энди ёзишни ўрганиш», деб айтмайди. У ҳар гал қўлга калам олганда, биринчи шеърини ёзаётганидек ҳаяжонга тушаверади, қийналареди. Мен бундай ҳолини доимо бошдан кечиришам», — дейди.

Зулфия шеърларининг қандай рўбига келиши ҳам, уларнинг этилиш жараёни ҳам, қайта ишлангани ҳам бошқа ижодкорлар тажрибасига ўхшамайди. Унинг ижодида «адабят», «бир оғза», «бир зарб билан» ёзилган шеърлар йўқ, балки улар узок вақт юракда ва онда обдон пишиб этилган тўқилади. У ижодининг, дилнинг бу сирларини қуйидагича изоҳлайди: «Мен олдига шеърларни туркум-туркум шаклида ёзаман, кўп қоралмалар қиламан, яъни айрим шеърларнинг айрим сатрлари ёзилиб қолаверади. Қалбдан бир неча мисраларга кўчган фикр ёки бу туйғулар бир эмас, бир

неча шеърларга асос бўлиб туради. Бу кўпинча баҳорда, гуллаган табият ичра мен ўзимни қайта тирилгандай ҳис қилган кезларда содир бўлади. Табиатда буюқ уйғониш: камалак, кўк-лам момақалдиқроқлари, жилгалари, ошён кўраётган қалдиқроқлар, баҳори тошқинлар — буларнинг бари-бари шоирага ўзи шулоққина қозога кўчадиган шеър бўлиб кўринади, мусиқаси эшитилади. Лекин кейин, китобхонага тавсия қилишдан аввал, ҳар бир сўз устида узок, кунг билан ишлашга тўғри келади. Ҳақиқий шеърнинг сени ўраб олган қайноқ ҳаётнинг завқу шавқи, қалбнинг шодлиғи шодлиғи дарди, кўрган-кечирганларининг теран фикр этилиши демакдир. Демак, шеър жамиятдаги, ўз замонанг ва ҳаётинггаги воқеалардан, бахт ва ташвишдан, оддий ҳаётнинг орзу-юмушлар тўла кўнлардан, қайноқ ҳарорат ва меҳр тўла юракдан, меҳнат билан белор ўтган тунарлардан вужудга келади.

Бу фикрларнинг исботини «Ҳаёт варақлари», «Қизлар кўчили», «Ҳижрон кўнлариди», «Юракимга яқин кишилар», «Уйлар», «Йиллар, йиллар», «Тонг билан шом аро» туркумлари яққол кўрсатади. Ана шу услубга, ижодий усулга солиқининг шоирнинг ўзи ҳам қайта-қайта тила олади:

«Таваллуҳнинг элик йилгини нишонламоқчи бўлишди. Ҳама меза ҳам телишар бўлмаганидек, менинг ижодим ҳам инқирозда эди, дедирли икки йил шеър ёзмаганман, журнал, жамоа ишлари... Меҳнат таътилимни олиб, узок ижод уйларида бирга кетдим. Шер неча кун яшашди — шеърларди қийнади, қанча қорғозларни қоралаб ташладим, лекин ҳеч нарса ёза олмадим... Фаргона водийсига кетгим келди. Бордим. Водилдан. Дала айланаман, табията тўймай боқаман, одамлар билан суҳбатлашаман. Кўз олдима шеърдан гўзал, мукамал дунё! Қарабсизки, бахт дариб, уч кун деганда сатрлар ёнига сатрлар кела бошлади. Инсон ва табиятнинг ҳар

бир неъмат: ақик юлдузлар, зумрад далалар, жилдириб оққан тиниқ-тиниқ сув остидаги палак гулларни эслатувчи ранг-баранг тошчалар — ҳамма-ҳаммаси шеърга айланар, қўлга тутиб кўрса буладиган муячоқлар шодасиди тизилиб келар, мендан бахтироқ одам йўқ. «Уйлар» номли шеърини тўплашим ўша масъуд қирқ беш кунда Водилда ёзилган».

Шоирага юрагига яқин кишилар ҳақида ёзиш, шеърларида қалбиди кувонч, дард, ҳаяжонлар тарихининг бир парчасини жонлантириш ва уларнинг жамиятта зарурлигини англаб ижод қилиш ҳамма вақт илҳом бахш этади. «Оҳ, ижод-дардига! Сен менинг оромим рақибин!... тандаги зилзилам... умрим эғови», — дейди шоира, лекин ҳеч вақт ўз даврига ҳамоҳанглигини йўқотмайди, замонадошлари туйғуларига ҳамдам, ҳамдардлигини унутмайди. Ижод билан «тоҳ тотув, гоҳ рақиб» бўлиб, шеърга айлиниб «инсонлар юрагини ловулатади», «шеър бўлиб эл ичра» уйғоқ юради. «Изтироб, ороми, тақдир, шухрати, телини» чамбарчас боғлайди.

Шоира «Менинг ҳаётимда ўта бахтиёр кўнлар ҳам, мусибатли онлар ҳам кўп бўлди. Бироқ, ҳатто энг оғир, мушкул дақиқаларда ҳам ўзимнинг дарду ҳасратларимни шеърга туширарканман, мени ҳаётга қачон тарқ этмади. Менинг шахсий ҳаётим ҳақ ҳаётининг бир заррасидир. Мен худди мана шунда ҳам граждандликнинг ифодасини кўраман», — деб айттар экан, унинг мардона шеърини, граждандликнинг юксаклигига қойил бўлиб, «Баҳор келиди сени сўроқда!» туркумидаги шеърлар кўдратини чуқурроқ тушунади. Шоирадаги умиднинг кучи-қўдрати қойил қоласиз.

Бу иқдорномалар — ҳаётини фалсафа шоира шеърининг қайси назифасини ўтайди. Бу қалит — шоира поэтик оламнинг моҳиятини тўла англашнинг имкониятини тугдиради. «Юртим ҳаритаси — менинг юрагим» суҳбатига шоира ёзди: «Эзгулик ва ёвузликнинг кураши ҳар қандай шеърининг моҳиятини ташкил қилади. Мен ҳаётни, ундаги ҳамма яхши нарсаларни тасдиқлаш орқами ёмонлик билан курашаман. Ҳама китобларимда бунга мисол бор. Ҳаётда қайғу кўп, аммо мен уни енгиш, шу жумладан, ўзини енгиш жасорати тўғрисида ёзаман. Мен ҳаётнинг ноҳуз томонлари тўғрисида киноя билан, ҳаёз билан гапирмайман. Оғриқ ва алам билан, эзгу истак билан гапирман, она-Еримиздаги ҳар бир одам бахти бўлишини, ҳаёт гўзал, ҳар биримизнинг аҳдлгиниз ибратли бўлишини хоҳдайман». Келинг, дуч келган биринчи шеърни ўқийлик:

БАҒРИНГДАН КЎЙМА Майли, заифлигим, кўз ёшим сўйма, Ялқовлигим, нуқсим экан бедаво,

Мен тортган дардларимнинг захрини туйма,

Туйганда инжиб бердингми сазо?

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам довдираб,

Сенга кўшиқ айтиб, сенга дейман дод.

Енсам сув сепасан, сўнсам ёндириб,

Бошингга кўтардинг онадан зиёд.

Йиллар қанча олиб кетса, шунча яқинман,

Борган сари ортар тотли насибам.

Қайга бормай қайтгум, сенга интиқман,

Менинг оҳанрабо, менинг нашидам.

Қонимдаги ёғиш, бегош ҳисларим,

Қонимас таъбиимни зикликка йўйма!

Қайноқ суйгум, Қуйим,

Совуқ жасадим, Она-Ватан, ўтинч,

Бағриндан кўйма.

Ватан бўлмасайди, одамзот, албат,

Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

Ҳа, шеърдаги оғриққа, аламга илтижога чидаш қийин. Лекин аллома Бедил айтганларидек, «Шодликнинг барчаси гамдан яралган» экан, Ватаним — бахт деб, бахтин — Ватан деб кашф этиш, ўзини билан Ватанинг муштараклигини туйиш ва шундай яшашга «орлаш» — қалбларга уни сингдириш — эзгуликдир, гўзалликдир. Юқоридagi фикрлардан Зулфиянинг баҳорини севишига, уни фаслларнинг азизи сифатида қадрлашига шубҳа қилмасангиз керак. Менга уйғониш, тирилиш, яшарлиш, тозариш фаслга бундай муҳаббатни ҳам «Шоирнинг табабчан устози, меҳрли дўсти», ўзбекнинг Баҳор ва бахт куйчиси — Ҳамид Олимжон солгандай, унинг бевосита таъсири бордай туюлади. Шунга ишончимни ана Зулфия сўзлари исботлайди: — Қайси гулни яхши кўрасиз? — деб сўраганларида, шоира шундай жавобни айтди: — Бинафшани. Миттигина гул. Лекин қандай хушбўй у, қандай гўзал у. Ҳар кичкина жон ўзида шунча фазилатни асрай олса эди... Келинг, дўстларим, шоиранинг туйган йилда унга юзлаб, минглаб, миллионлаб қалблардаги сўнмас гўзалликдан, ҳиди оламини тугадиган меҳрлардан гулдаста тутаийлик. Бу гулдаста шоира умрига умр, ижодига барокот ато этсин!

Ҳотам УМУРОВА, филология фанлари доктори, профессор.

Siemens AG

Сименс ҲЖнинг Ўзбекистондаги вакиллиги Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Абдуғаниевич Каримовни

1995 йил 26 март Референдумида унга умумхалқ ишончи билдирилгани ва ваколатининг 2000 йилгача узайтирилгани муносабати билан қутлайди, унга мустақкам соғлиқ, бахт, хурсандчилик ва Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлидаги ислохотларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайди!

Сименс ҲЖ ўз навбатида республиканинг янада юксалишига хизмат қиладиган — телекоммуникация, электроэнергия ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, тиббиёт ускуналари, транспорт техникаси, ахборот узатиш тизими сингари соҳаларда республикани қўллавереди.

СИМЕНС ҲЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКИЛЛИГИ

Siemens AG

Сименс ҲЖнинг (Германия) Ўзбекистондаги вакиллиги Германия Федератив Республикаси Президенти жаноб Роман Герцогнинг

Ўзбекистон Республикасига қиладиган давлат таширфини самимий олқишлаб, унинг самарлари натижалари Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янада гуллаб-яшнашига хизмат қилишига ишонади.

Сименс ҲЖ ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада юксалтириш йўлида хизмат қиладиган телекоммуникация, электроэнергия ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, тиббиёт ускуналари, транспорт техникаси, ахборот узатиш тизими соҳалари бўйича ҳамкорликни давом эттираверади.

СИМЕНС ҲЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКИЛЛИГИ

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЕТТИ ИМКОНИЯТДАН ОПТИКАСИДА ГАПАБА ҚОЗОНДИ

Юртимизнинг юнон-рум кураши усталари Германияда ўтказилган Гран-При баҳаринда қатнашди. Павлодарлик жондорнинг ўттиздан ортик мамлакатлари спортчилари иштирок этган бу мусобақадан бахтлироқ натижа медиали олиб қайтишга муваффақ бўлиди.

62 кт. ваазиллар тоифасида мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Баҳодир Курбонов етти марта тилгама қийиб, унинг оптикасида гапаба қозонди. У фақат ярим финалдангина мағлубиятга учради. Учинчи ўрин учун баҳада эса Европа чемпиони, германиядлик полков Марно устидан соф гапабага эришди.

Самарқандлик Нарвўз Усмонов эса бу мусобақада фахри бешинчи ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз тўққизинчи бўлишди.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАКВОНДО (ВТФ) КЎТИПМАГАН «СОВГА»ПАРГА БОЙ МУСОБАҚА

Сирдарё вилояти терма жамоаси, токикет-1 ва Токикет-2 командалари ҳақида Бухоро вилоятининг биринчи жамоаси таквондо бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларининг кучли турнирлик-квартетини ташкил қилди.

Таквондо мусобақаларининг ташкилотчилари ҳар сафар турнирнинг олдди тарзда уюш-

тиришга интилишларига қарамай, у доимо кўпмаган ҳодисалардан халос бўлмайпти. Шунинг алоҳида таъкиллаш жоизки, кубок мусобақалари ҳам ана шундай кўпмаган, албатта, ижодий натижаларсиз бўлмади. МХСК залига тўлганган томошабинлар, гарчи кубок баҳсларидан олдди ташвиқот ишларига зўр берилмаган бўлса-да, озмиқини ташкил этмади. «Сеул» ресторани ансамблининг чикиллари эса уларга қўшимча завқ бағишлади. «УДЭУ электроникс» кўшма корхонаси нафақат турнирга ҳомилик қилиб, қимматбаҳо совринлар таъсис этиди, балки унинг бош директори жаноб Чо Кюн ҳам залга таширф бурюиб, энг фаол муносиблардан бири бўлди.

— Жанубий Кореянинг машҳур фирмаларидан бири. — «Самсунг» Россия таквондочилари турнири учун махсус кубок таъсис этганиди, сизлар ҳам улар йилини тугибсизларда, — дея Чо Кюнга мурожаат қилдим. — Бу бизнинг энг яхши қароримиз бўлди, деб ўйлайман, — дейди мистер Кюн жилмайганча. — Уттан йили кузда Корея элчиси кубоги учун баҳслар пойтахтингизда жуда катта уюшқоқлик билан ўтказилди. Мутахассислар эътироф этишича, у ажойиб ютуқларга бой бўлди. Биз ўша мусобақанинг ўтказилиши учун қисқонан ёрдам бергандик. Шундай экан, Ўзбекистон кубоги учун ҳомилик қилишимиз, бу — бизнинг фаолиятимизда биринчиси эмас. Келажакда ҳам бундай мусобақаларга ҳомилик сифатида иштирок этиш ниётимиз йўқ эмас. Нафақат таквондо мусобақаларига, балки профессионал бокс ва теннис мусобақаларига ҳам эътиборимизни қаратиб келишимиз. Уттан йили теннис бўйича Президент кубоги учун ўтказилган халқаро турнирга ҳам қисман ҳомилик қилдик. Ҳозир яна бир қўлут ўшини бошлаш арасида турибмиз. Биз болалар

теннисини оталиққа олишга қарор қилдик. Жаҳон коргарлари чиқадиган бўлгуси теннис юлдузларини вожа етказишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз ностайим.

Ўзбекистон кубоги баҳсларида Сирдарё вилояти таквондочилари мулкислар учун қўлутмаган «совга»ларни тортиқ этишиминг бош сабабчилари бўлди. Бу ерда Сирдарё таквондо федерациясини президенти ва айни пайтда жамоанинг катта мураббийси Фурқат Расулдиннинг меҳнатлари беқиссизлиги алоҳида таъкиллаш жоиз. Сирдарёликлар юқори поғонга кўтарилиш учун асосан пойтахтликлар билан кескин кураш олиб боришди. Айниқса, собиқ ИТТифоқ чемпионатлари гўлиби ва бир қатор халқаро турнирлар совриндорини Вали Дадахоню жуда ажойиб ва ишончли гапабага эришиб, ўз жамоасининг юқори поғонига кўтарилиш учун катта ҳисса қўшди.

Сирдарёликлар билан деярли тенгма-тенг баҳса киришган тошкентлик таквондочилар билан бир қаторда Бухоро спортчиларининг ҳам маҳоратларини эътироф этиш жоиз. Шахсий кўрсаткичлар бўйича аввали турнирларда ҳам бухороликлар совриндор бўлишганди, лекин бутун жамоа бўлиб шу пайтгача шохсулга кўтарилмаган эди. Бу, албатта, айни дамда Бухорода 20 нафардан ортик малакали мутахассислар ишлаётгани ва таквондо бўйича болалар тўғаракларига мингдан зиёд тарбияланувчилар жалб этилганининг натижасидир.

Мусобақа якунлангани арафасида МХСК спорт залига Корея Республикасининг факулдисида на мутор элчиси Се Ген И ҳам таширф бурюди на турнир совриндорларига «Селма» фирмасининг ажойиб гўлчамбарларини топширди.

А. ЧЕГРИНЦЕВ.

Тошкент автомобил ва йўлар институтини жамоаси институтнинг автомобилларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш технологияси кафедрасининг мудири, профессор Сервар Қодировга акаси Анвар ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилди.

«Элвафет»муҳсулот» хиссадорлик бирлашмаси жамоаси шу бирлашманинг масъул ходими Абдуразақ Мўминовга бевақт вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилди.

«Элвафет»муҳсулот» хиссадорлик бирлашмаси жамоаси шу бирлашманинг масъул ходими Аскар Салимовга укаси Рихобий САЛИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилди.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Туризм муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — Ф. Шермухаммад.